



2014 йилнинг 6 июнь куни «Moscow Halal Expo 2014» Бешинчи Москва халқаро кўргазмасининг юбилейи доирасида “Халол Тур.индустрия” номли давра сухбати бўлиб ўтади.

Кўргазма Россиянинг халол ишлаб чиқариш соҳасидаги йил сайин бўлиб ўтадиган энг йирик тадбирларидан ҳисобланади. Унга қарийб 10 мингдан зиёд меҳмон, 500 дан ортиқ компания ҳамда Россия, МДХ, Жанубий-Шарқий Осиё, Эрон, Туркия ва бошқа давлатлардан тахминан 200 нафар экспонент келиши кутилмоқда.

Кўргазманинг қуйидаги мавзулар доирасида ўтказилиши режалаштирилган: “Озик-овқат маҳсулотлари”, “Туризм (саёҳат) ва хизмат”, “Атир-упа ва пардоз-андоз буюмлари”, “Стиль (услуг) ва тўқимачилик”, “Умумий овқатланиш”, “Саломатлик ва спорт”, “Таълим ва наشريёт”, “Молия ва молиялаштириш”, “Хизматлар”, “Медиа (ОАВ)”, “Санъат ва безак”.

“Туризм ва хизмат” йўналишида Россия ҳамда чет давлатлардаги “Халол” меъёр бўйича фаолият олиб борадиган саёҳат операторлари ва компаниялари тақдим этилади.

Мусулмон аҳолининг ортиб бориши натижасида халол маҳсулотларга бўлган талаб ҳам йил сайин кучайиб бормоқда. Аммо, халол маҳсулотлар нафакат мусулмонлар орасида, шу билан бирга ўзга дин вакиллари орасида ҳам оммалашиб улгурган. Зеъро, халол маҳсулотлар ўзининг сифатлиги билан маълум ва машхур; халол хизмат соҳалари эса ўзаро ҳурмат ва самимий ҳамкорликка асосланган.

Халол саёҳат соҳаси йил сайин шахдам қадамлар билан илгарилаб бормоқда. Шунингдек, дунёнинг энг асосий саёҳат бозорларининг ҳам – мусулмон саёҳати хизматига анчагина кизикиш билдираётгани маълум бўлди. Лекин, хануз мусулмон туризм бозори кучли ривожланганича йўқ. Халол хизматларга бўлган талаб эса доимо ўсиб борапти.

“Халол Туриндустрия” номли юмалок стол (йигилиши) қуйидаги масалаларга қаратилади:

- халол хизматлар бозорининг ҳозирги ривожланиш ҳолатига ва келажакдаги режаларига баҳо бериш;
- халол хизматларни сертификатлашга доир шартлар ва қоидалар;
- мусулмон саёҳатчиларга муваффақиятли иш олиб бориш йўллари;
- мусулмон саёҳатчиларни янада кўпроқ жалб қилиш ва ушлаб туриш учун кўшимча

имкониятлар;

- “Халол” меъёрлар бўйича хизматлар олиб бориш;
- халол ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга оид бўлган долзарб саволларни муҳокама қилиш;
- хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш;
- мамлакатда мазкур соҳанинг келажакдаги тараққиёти учун механизмлар ишлаб чиқиш.

Тадбирнинг бошланиши: 15.00

Онлайн рўйхатдан ўтиш:

http://www.halalexpo.org/ru/doc/program/tourism_rountable

Энг ожиз банда тайёрлади